



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG‘I

20 21 yil “03” 07

№ 160

Toshkent sh.

Хаво ҳароратининг кескин кўтарилиши натижасида юзага келадиган фавқулодда вазиятларда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, юзага келадиган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида

Жорий йил июль ойининг биринчи ярмида юртимизга иссиқ хаво оқимининг кириб келиши оқибатида ҳудудларда **об-хаво ҳарорати ўта кескин** (45°C ва ундан юқори) кўтарилиши кутилмоқда. Бундай фавқулодда вазиятларда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, хаво ҳароратининг кескин кўтарилиши оқибатида юзага келадиган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида **буюраман:**

1. Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Иноятов раҳбарлигида бир кун муддатда алоҳида селектор йиғилиши ўтказилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, республика тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида доимий навбатчиликни йўлга қўйиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгилансин.

2. Матбуот хизмати (Ф.Санаев) оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларни кенг жалб этган ҳолда, аҳолини ўз саломатлигини асраши учун хушёр бўлишга чақириш, жумладан кескин иссиқ ҳаводан ҳимояланиш, кўпроқ суюқлик истеъмол қилиш, зарурат бўлмаган ҳолларда уйдан ташқарида юрмаслик, айниқса сурункали касаллиги бўлган, диспансер назоратида турувчи беморлар, ёш болалар, ҳомиладор аёллар ва кексаларни ҳимоялаш юзасидан кенг тушунтириш ишларини ташкил этсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари билан биргаликда **бир кун муддатда:**

аҳоли гавжум жойларда, жумладан бозорлар, сайилгоҳлар, кўнгилочар масканларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича вақтинчалик тиббиёт пунктларини ташкил этсин.

даволаш-профилактика муассасаларида иссиқ ҳаво оқибатида сурункали касалликлари хуруж қилиши мумкин бўлган тоифаларни эътиборга олиб, тегишли койка-ўринлар ва дори воситалари захираларини етарли миқдорда шакллантирсин.

4. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б.Юсупалиев):

умумий овқатланиш корхоналарида овқатларни тайёрлаш ва сақлаш, бозорларда ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотувчи савдо шаҳобчаларида маҳсулотларни ташиш ва сақлаш қоидаларига қатъий риоя этиш, аҳолининг бузилган озиқ-овқат маҳсулотларидан оммавий захарланишини олдини олиш юзасидан назорат ишларини;

болалар лагерлари, дам олиш оромгоҳлари ва сиҳатгоҳларда санитария-гигиена қоидалари ва меъёрларига қатъий амал қилиш устидан назоратни кучайтирсин.

5. Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармаси (У.Рискиев) жорий йилнинг 4 июлидан бошлаб, бир ҳафта давомида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳудудлардаги тезкор вазият тўғрисида ҳар 4 соатда вазият кескин ўзгарган ҳолларда эса зудлик билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига (71 244-14-90; 90 371-53-71) ахборот бериб борилишини ташкил этсин.

Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаларига:

аҳоли гавжум жойларда, жумладан бозорлар, сайилгоҳлар, кўнгилочар масканларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича вақтинчалик тиббиёт пунктларини ташкил этилганлиги;


даволаш-профилактика муассасаларида койка-ўринлар ва дори воситалари захираларини шакллантирганлиги;

даволаш-профилактика муассасаларига иссиқ ҳаво оқибатида аҳолидан бўлган мурожаатлар ва уларнинг аҳоли тўғрисида ахборотлар маълумот сифатида ҳар куни соат 12-00, 16-00, 20-00 да, вазият кескин ўзгарган ҳолларда эса зудлик билан тақдим этиб бориш мажбурияти юкланади.

6. Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармаси (У.Рискиев) ҳудудлардан йиғилган маълумотларни умумлаштириб, Фавқулотлар вазиятлар вазирлигининг миллий марказига (71-234-87-20, 71-234-15-26) ахборот бериб борсин.

7. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.Иноятов зиммасига юклатилсин.

Вазир



А.Хаджибаев